



Олий Мажлисида

Кеча Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ота-она меҳри

бола учун энг азиз неъмат

Унда, даставвал, парламентнинг ўн тўртинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар, хусусан, давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

лар кескин камайганидан ҳам билиш мумкин. Айтиш жоизки, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг илм олиши ва соғлом униб-ўсиши учун бюджетдан ўз вақтида маблағлар сарфлаб келинмоқда. Биргина 2004 йилда шаҳар ҳокимлиги меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 536 миллион 113 минг сўм ажратган. Бироқ давлат томонидан етим болаларнинг бекаму кўст улғайиши учун зарур шарт-шароит яратиб берилаётганига қарамай, уларга ота-она меҳри камлик қилаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

ота-она меҳри билан ўсишини назарда тутди. Аниқ маълумотларга таяниб айтганда, шу пайтгача мамлакатимизда тутилган ота-оналар томонидан 92 нафар етим бола оила тарбиясига олинган. Бу кам, албатта. Мисол учун, пойтахтдек азим шаҳарда бирорта ҳам бола оила тарбиясига олинмаган. Таассуфлар бўлсинки, кейинги пайтларда фарзандини ҳеч қандай сабабсиз меҳрибонлик уйларига топшираётган ота-оналар сони кўпайиб кетганлиги кузатилади. Шу хусусда сўз олган нотиклар ундай ота-она банданинг ҳам, Худонинг ҳам нафратини келтиражагини айтишди.



Марғуба Мухаммаджонова «Бувайда» ҳиссадорлик жамияти ип-йигирув фабрикасининг илғор ишчиларидан. Бувайда туманида жойлашган ушбу корхонада бугунги кунда мингдан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилаётди.

Биз забт этган манзиллар

Европа билан елкама-елка

Ҳаётий тажрибалар ҳар қандай эзгу мақсадга ишончли дўст ва ҳамкорларсиз эришиш амри маҳоллигини исботлаб келмоқда. Ҳўш, бу фикрдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз йўл курилиши тармоғидаги аҳолини кузатадиган бўлса, қандай манзарага дуч келамиз? Эртанги кун ривожини чет эллик ишбилармонлар билан алоқаларни қай йўсинда давом эттиришни, улар ишлаб чиқараётган машина-механизмларнинг қайси туркуми ва авлодидан фойдаланишни тақозо қилмоқда? Йирик халқаро лойиҳаларда иштирок этаётган йўлсозларимиз олдидан бу каби саволлар доимий равишда кундаланг туриши табиий. Чунки йўллар ҳар бир мамлакат тараққиётининг тимсоли ҳисобланади.

«Виртген» янги гоёлари жорий қилишга, мавжуд технологияларни такомиллаштиришга интилади. «Узавтойўл» мутахассислари бунга ишлаб чиқариш цехларида бўлишганида, янги машиналар билан бевосита танишишлари давомида яна бир қарра гувоҳ бўлиши. Масалан, илгарилари асфальт ётқизувчи машинанинг эни қатъий ўлчамли эди. Яқиндан бошлаб бу жараён такомиллаштирилди ва унга истаган энликдаги мосламани қўйиш учун имконият яратилди. Ёки илгарилари мазкур машиналарнинг юриш механизми фақат занжирли бўлса, эндиликда буртмага қараб, гилдиралиси ҳам тайёрлаб берилади. Бу катта оғирликдаги машиналарни бошқа жойга қўчиришда қулайлик яратди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Кейинги йилларда мамлакатимиз йўлсозларининг машина-механизмлари, лойиҳалаш ускуналари тубдан янгиланди. Япония, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Финляндия, Швеция, Чехия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган техникалар билан таъминланди. Айниқса, Германиянинг машҳур компанияси «Виртген»нинг технологияларини ўрганиш, улардан фойдаланиш бўйича амалга оширилётган ишларни алоҳида қайд этиш жоиз. Уларда «Узавтойўл»нинг 500 нафардан ортиқ мутахассиси малака ошириганига ва тахсил олганига ҳам бу борадаги кўламининг нечоғли катталигидан далолатдир. Бундан бир неча кун муқаддам уларнинг янги гуруҳи билан Германияда бўлди.

«Виртген» гуруҳини таништиришнинг ҳождати йўқ. У ишлаб чиқараётган кичик ҳажмдаги катоклардан тортиб, асфальт ва цемент-бетон ётқизувчи машина, заводларни беш қитъада ҳам яхши билишади. Ўзбекистонликлар мазкур компания билан қарийб ўн йилдирки, яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Пойтахтимиз шохўчалари, мамлакатимиз магистрал йўлларининг аксарияти немис машина-механизмлари ёрдамида барпо этилди ва қуриляпти. Мана, икки йилдирки, Қамчиқ довонига олиб борувчи автотрасса уларнинг янги технологиялари асосида цемент-бетон билан қопланмоқда. Унинг чидамиллик мuddати асфальт йўлга нисбатан уч мартага ортиқ бўлиб, қарийб чорак асрни ташкил қилади.

Ижтимоий соҳага молиявий кўмак

18 апрель куни Лондонда бўлиб ўтган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Исломо тараққиёт банки ўртасида қиймати 23,8 миллион АҚШ долларига тенг молиявий шартнома имзоланди.

Мазкур лойиҳа вилоят шовилинч тиббий ёрдам марказларини замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш дастури учун мўлжалланган.

Лойиҳа ижроси Ўзбекистоннинг барча вилоятларида энг замонавий тиббиёт технологиялари ва жиҳозлари асосида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурининг иккинчи босқичини амалга оширишда муҳим қадам бўлади.

Бундан аввалроқ қатор сармоя дастурларини ишлаб чиқиш, жумладан, Ўзбекистоннинг 172 туманидаги шовилинч тиббий ёрдам марказларини замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш тўғрисида келишиб олинган эди.

Ҳар коллежга миллион АҚШ доллари

Қашқадарёдаги 7 та қишлоқ ҳўжалиги касб-хунаро коллежига Япония ҳукумати кредити ҳисобидан молиялаштирилган «Ўзбекистонда ўртамахсус, касб-хунаро таълими тизимини ривожлантириш» лойиҳасига биноан «Тико» машиналари топширилди. Келгусида Қарши, Шаҳрисабз, Чоршанбе, Денов, Касби, Қамаш, Чироқчи қишлоқ ҳўжалик касб-хунаро коллежларининг ҳар бирига ўқув лабораториялари, умумтаълим кабинетлари, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилади. Ушбу коллежларда миницеҳлар ўрнатиш кўзда тутилган.

Бундан асосий мақсад, ёшлар чуқур билим олишлари билан бир қаторда касб-хунаро сирларини ҳам пухта эгаллашсин.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда

Терроризм — инсоният душмани

Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институтининг «Терроризм — инсоният душмани» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Террорчилик ҳаракатларининг асл моҳияти, уни амалга оширишдан қўзғаландиган мақсадлар таҳлилига бағишланган ушбу семинар олий ўқув юрларида олиб борилаётган тадбирларнинг мантйқий давоми бўлди.

Жойлардан хабарлар

Фермерлар узоғи яқин бўлди

Улғунор туманида акциядорлик тижорат «Пахтабанк» туман бўлимининг бешта минни банки очилди. Улар фермерларнинг яқин ҳамкори ва мададкорига айланмоқда.

«Халқ сўзи» вазоратида

Марғилонлик Э.Тешабоев Сайхунбод туманидаги мусиқа мактабининг ночор аҳоли хусусида ёзган хат «Аҳвол ўзгарса эди...» («Халқ сўзи», 2004 йил, 14 февраль) сарлавҳаси остида эълон қилинганди.

Янгиланган телемарказ

Наманганда вилоят телерадиокомпаниясининг замонавий техника билан қайта жиҳозланган телемаркази тақдимиёт бўлиб ўтди. Бу ерда Германиянинг «Сименс» фирмаси кўмағида амалга оширилган 2,5 млн. евро қийматидаги лойиҳа ижросидан сўнг маҳаллий телевидение кўрсатувлари сифати анча яхшиланди.

«Халқ сўзи» мухбири.

Кудратилло НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЕИ: кенгайиш йўлида

Мамлакатимиздаги Европа Уйи раҳбари Питер Реддиш республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Бўлиб ўтган матбуот анжуманида яқин кунлардаги муҳим сана, яъни Шарқий ва Марказий Европанинг 10 давлати Европа Иттифоқига аъзоликка қабул қилиниши хусусида сўз борди.

Риклик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланган. Хозирги вақтда республикада ЕИга аъзо мамлакатларнинг 147 фирма ва компаниялари аккредитациядан ўтган, 500 корхона фаолият юритмоқда. ЕИ ТАСИС техникавий кўмаклашиш дастури бўйича Ўзбекистонда умумий қиймати 125 млн. евродан зиёд 77 лойиҳа амалга оширилди, айни пайтда эса 7 млн. евродан ортиқ маблағга тенг 4 лойиҳа олиб боришмоқда.



Республикада 30 апрель — 2 май кунлари ЕИнинг кенгайишига бағишланган қатор тадбирлар бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз

Олий Мажлис XIV сессияси олдида

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдидаги муҳим масалалардан бири хавфсизликни таъминлашдир. Зотан, осийшталикнинг барқарорлиги, энг аввало, хавфсизликка бориб тақалади.

Хавфсизлик — муҳим масала

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ахтам Турсунов билан суҳбатимиз асосан шу ҳақда бўлди. Қўмита раиси икки сессия оралигида Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилганини таъкидлаб, юқоридаги масалалар бўйича жойларда бир қатор учрашувлар бўлиб ўтганини ҳам айтиб ўтди.

Қўмита қошида тузилган ишчи гуруҳ томонидан "Тезкор кидирув фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Шунингдек, бошқа қўмиталар томонидан тайёрланиб, Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган Қонун лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди. Хусусан, "Фуқаролар йиғини раиси (оксколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Қизил ярим ой

ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни химоя қилиш тўғрисида"ги, "Сийёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида"ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошқоралаштиришга (легаллаштиришга) (легаллаштиришга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари юзасидан тақлифлар берилди.


Мамлакатимизда амал қилаётган қонунлар ижросини назорат қилиш ва таҳлил этиш юзасидан ўтган давр мобайнида Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни ижроси ўрганилди ва қўмита йиғилиши муҳокамасига тайёрланди.

Таъкидлашни истардикки, бугунги кунда армия тизимидаги бир қатор янгиликлар ҳалқида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳарбий соҳадаги ислохотларни янада

кенгроқ тарғиб этишда қўмитанинг жойларда ташкиллаштираётган учрашувлари аҳамиятга сазовордир.

Таъкидлашни истардикки, бугунги кунда армия тизимидаги бир қатор янгиликлар ҳалқида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳарбий соҳадаги ислохотларни янада

маъруза қилди. Юқорида хавфсизлик давримизнинг муҳим масаласи эканлигини таъкидлаганди. Шу маънода қўмита аъзолари Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида содир этилган террорчилик хуружи муносабати билан жойлардаги бир қатор йиғилишларда қабих ниятли кишилар томонидан амалга оширилган муҳим воқеалар барча фуқароларни қаттиқ ташвишга солганини таъкидлаб, бундай ҳаракатларга қарши курашишда барча жипслашиши зарурлигини қайд этди.



Бекобод туманининг экин майдонлари Тошкент вилоятидаги бошқа ҳудудларга нисбатан шароити бирмунча оғир ҳисобланади. Лекин деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, иш юритишда илгор усуллардан фойдаланилаётганига бос қўнгина соҳаларда шартнома топшириқлари худдатини келинмоқда. Улғубек номли ширкат ҳужалигида ҳам кейинги йилларда пахта ва ғалладан юқори ҳосил олишга эришилапти. Жорий йилда ҳужаликдаги мавжуд 1300 гектар майдоннинг минг гектарига чигит плёнка остига экилди. Барча ерларга ғўзанинг сервосил, эртапишар, тола чиқиши юқори бўлган «С-6524» нави қадабди. Айни пайтда ниҳолларга ишлов бериш бошлаб юборилди.

СУРАТЛАРДА: бош ҳосилот Абдумутал Халилов ва бош пудратчи Тошали Имомов ғўза парвариши тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

ЯГОНА БУЮРТМАЧИ БЎЛМАГАЧ...

Юртбошимиз ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишда қурилишни бошидан охиригача бажарадиган, яъни объектни тўла қуриб, калитини топширадиган пудрат ташкилотларини, кредитлаш бўйича бозор механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Қурилишда чинакам бурилиш ясовчи, соҳада бозор иқтисодиёти талабларини тўла-роқ жорий этувчи янги иш услуби нима беради? Бу саволга ҳам Юртбошимизнинг маърузаларидан жавоб топамиз: биринчи навбатда, қурилиш сифати кескин яхшиланади, иккинчидан, қурилиш смета қийматининг сунъий равишда оширилишига йўл қўйилмайди. Буларнинг барчаси эса дунёдаги қурилиш майдонларида ишончли синовдан ўтган — ягона буюртмачи хизматини жорий этишни тезроқ ниҳоясига етказди.

Фаргона шаҳрида Наврўз айёми кунлари фойдаланишга топширилган Олимпия захиралари коллежининг ташки қўрилишидан дил ярайди. Олти ярим миллиард сўм маблағ сарфланган иншоотнинг ички қисмидаги қурулган эса кўнгилни хира қилади. Мажмуани бунёд этиш Василий Ким раҳбарлик қилаётган «Фарғонасаноатқурилиш-монтаж» фирмаси тасарруфига берилган эди. Буюртмачи — вилоят капитал қурилиш бошқармаси. Ҳақиқатда эса, «Фарғонасаноатқурилиш» трестининг 10 дан зиёд ташкилот-корхоналари иншоотни бунёд этишда қатнашди. Фирма мизини қурилиш майдонига ўрнатилган ўндан ортик вагончалар пешонасига осилган лавҳалар ҳам иботлаб турибди.

Манба, бошбошдоқлик, «Отанга бор, онанга бор» қабилида иш тутишини оқибати! Назоратчилар айтиб-айтиб, оғохлантириб чарчашганидан сўнг бош пудратчиға сифатсиз бажарилган ишлар, қўшиб ёзишлар учун 2 миллион 428 минг сўм миқдорда молиявий жарима қўллашди. Бу 65 миллиард сўмлик объектда иш бажараётган фирма учун чивин чаққанчилик ҳам қор қилмади. Иншоотдаги қўшиб ёзишлар, қўзғабунчилик яна давом этаверди. Бўлмаса, шунча гап-сўздан кейин ҳам коллежнинг ўқув корпуслари биносидаги лойиҳада қўзланган юқори сифатли, жаҳон

важ-қарсонли ўтади. Бир иш икки бўлгани етмагандай, бош пудратчиға энди молиявий жарима ҳам қўлланилади. «Вилоятжамоақурилиш» акционерлик жамиятининг Кува туманидаги 77-қурилиш корхонаси ҳам «Бизнес мактаб» биносини қайта таъмирлашдаги қинғирлиги, сифат сертификати йўқ қурилиш ашёлари, конструкцияларни ишлатгани учун 15,7 миллион сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди. Афсуски, бу вилоятдаги қурилиш ташкилотларига қурилишдаги смета қийматини сунъий равишда ошириб ёзиш, сифатсиз иш, лойиҳадан чекиниш ҳоллари учун қўлланилган ягона чора эмас. «Деҳқонқурилиш» компаниясининг «Ешларобод» очик турдаги жамиятига 1 миллион, «Марғилонқурилиш» акционерлик жамиятига 3,6 миллион, «Қўқонагроқурилиш» акционерлик жамиятининг 91-хўжалик ҳисобидаги қурилиш ташкилотига 2,2 миллион сўмлик жарима чоралари қўлланилди. Утган йили вилоят бўйича қурилишдаги сифатсиз ишлар учун 37 миллион сўм жарима солинган бўлса, шунинг 28 миллион сўми коллеж ва лицейлар қурилишида йўл қўйилган қонунбузарликдир.

Буларнинг барчаси ҳамон қурилишда бошбошдоқлик ҳукм суриб, ягона буюртмачи барча ишларни тасарруфига олмаётганини иботлаб турибди. Бунга эса тоқат қилиб бўлмайди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўз қасбининг фиғойилари

Республика Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг «Самарқанд геологи» корхонаси жамоаси ер бағридан руда захираларини топиш ва унинг бойлигини аниқлашда яхши натижаларга эришмоқда.

— Айниқса, Қўшрабоддаги Гужумсой ва Чорметан, Фаллаорлодаги Жанубий ва Маржонбулоқ руда конларидаги олтин захиралари ўзининг сифати билан ажралиб туради, — дейди мазкур корхона раҳбари Мусин Каримов. — Эътиборли томони, шу йилнинг ўтган уч ойида қўшрабодлик геологлар 320 миллион сўмлик иш бажаришди.

Бундан ташқари, Бахмал, Чироқчи, Учқудук туманларидаги ноёб металллар, Бойсулдаги Санжар ва Гудлар кўмир конлари ҳам ўрганилмоқда. Қизилкум кенгликларига эса дондор фосфорит кони захираси топилди.

СУРАТДА: гуруҳ бошлиғи Жўракул Ҳўроқулов ва геолог Мамашириф Очилов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎА) олган сурат.



БИРЖАДА БОЗОРДАН АРЗОН

Қарор ва ижро

Ёши улғулар яхши билишди: собиқ иттифок даврида нафақат автомобилларни, балки оддий гилам ёки палосни ижрокўм қарорисиз олиб бўлмасди. Бундан ташқари, ҳар битта ноёб молнинг устига «шапка» кийдириш оддий ҳолатга айланганди. Эсингиздами, ўша даврда раҳматли Муҳиддин қизик халқни шилишини турлича кўри-нишларини омборчи «гард», бензинфуруш «варонка», кассоб «пичоқ уч», санъаткор «якан», ўғри «лой» деган сўзларда ифодаланиши шама қиларди.

— Пахта толаси. Биринчи нав, тўрттинчи тип. Борми харидор?.. Биржада савдога қўйилган маҳсулотларнинг бозордаги қараганда бирмунча арзон эканлигига гувоҳ бўлдик. Бу ҳол ҳар бир юртдошимизни қувонтириши керак. Сабаби — ишлаб чиқарувчи хошаниш қанча арзон оلسа, тайёр маҳсулотнинг нархи ҳам пасаяди-да.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»-ги қарори муҳим қадам бўлди. У бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини бозор муносабатлари қондаларига ўргатишда маҳсулот сотишнинг принциплари ва механизмларини кенг тарғиб этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш субъектларига техник ва моддий томондан тенг шароит яратиш ҳамда бозор нархлари шакллантирилиши механизмини тақомиллаштиришни кўзда тутди.

Ушбу қарорнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, маҳсулотлар, хомашё ва бошқа турдаги материалларнинг олди-сотдисидида ошқоралиқни, очик ва рақобатли савдоларни ҳамда уларда қўллаб воситачиларнинг иштирок этишларини таъминлайди. Табиийки, бунга товар-хомашё биржалари, кимшош савдолари, ярмарка ва бошқа тузилмалар орқали эришиш мумкин.

Эътироф этиш керакки, бугунги кунда Республика товар-хомашё биржасида бўлган киши савдо жараёнларини кузатиб, ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлади. Сабаби — бундан бир йилча аввал хувилаб ётган заилар бугун гавжумлик қасб этган. Юзга актин компьютерлар олдида ўтирган брокерлар талашиб-тортишиб битим имзолашмоқда. Уяли телефонда гаплашаётган брокер эса, ўзига хос гапа-говурда мижози билан келишапти: — Цементнинг тоннасини? 30 минг сўм. Оҳангорин заводиники? — Эшитмаёяман, қанча дейсиз? Икки вагонни? — Ҳўп, тушундим, — дея битим имзолашга шошилади у.

Битим тузиш учун харидорни жалб қилувчи макледрларнинг ҳам «жағи-жағи»га тегмайди: — Хўп, тушундим, — дея битим имзолашга шошилади у.

Битим тузиш учун харидорни жалб қилувчи макледрларнинг ҳам «жағи-жағи»га тегмайди: — Хўп, тушундим, — дея битим имзолашга шошилади у.

Битим тузиш учун харидорни жалб қилувчи макледрларнинг ҳам «жағи-жағи»га тегмайди: — Хўп, тушундим, — дея битим имзолашга шошилади у.

Савдолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инсонпарварлик ёрдами

Кейинги йилларда Америка Қўшма Штатларининг GlaxoSmithKline, Wyeth-Lederle, Merck Sharp & Dore, Abbott Laboratories ва бошқа фармацевтика компаниялари томонидан мамлакатимизга инсонпарварлик ёрдами сифатида 40 миллион долларлик дори-дармонлар ва тиббиёт ускуналари етказиб берилди. Яқинда яна етти миллион долларлик шундай ёрдам ажратилди. Миллий матбуот марказида ушбу инсонпарварлик

ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Р. Пурнелл сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар кенгайиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Ҳожибоев

Газетада босилмади, аммо...

Рағбатлантириш учун

маблағ ажратилади

Марҳамат тумани халқ таълими бўлимига қарашли 40-ўрта мактаб ўқитувчилари ойлик иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш пулларини вақтида ололмаётганликлари ҳақида таҳририятимизга шикоят хати йўллаган эдилар. Мазкур хат юзасидан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари У.МУСАЕВ имзоси билан келган расмий жавобда айтилишича,

хатда келтирилган далиллар қисман тасдиқланган. Ҳақиқатан ҳам, ўтган йили куз ва киш ойлари иш ҳақи туман молия бўлими томонидан молиялаштирилганлигига қарамай, нақд пул бўлмаганлиги сабабли ўз вақтида тўланмаган. Ҳозирги кунда Андижон вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, Марказий банк раҳбарларининг арасидаги натижасида 40-ўрта мактаб ва туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаб, мактабдан ташқари, мактабгача таълим муассасалари ходимларига ўтган йилги иш ҳақлари тўланган. Эндиликда бу йилги қарзларни бартараф этиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Шунингдек, вилоят молия ва халқ таълими бошқармаси томонидан туман халқ таълими бўлимига бу йилги харажатлар сметасида иш ҳақи ажратилаётган маблағлар билан бирга 15 фоизга моддий рағбатлантириш фонди ҳам етарли маблағлар ажратилишига эришиш ва ҳар чоракда таълим ходимларини рағбатлантириб бориш топширилган.

Ўз мухбиримиз.

Биз забт этган манзиллар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хажм жиҳатидан энг йирик бўлган бу заводни қуриш, монтаж қилиш, ёрдамчи цехларни жойлаштиришдаги янги ёндашувлар ўзбекистонлик ёш мутахассисларни кўпроқ қизиқтирди.

Сафар давомида «Узавтойл» давлат-акциядорлик компанияси мутахассислари ўзлари ҳамкорлик қилаётган яна бир қатор корхоналарда бўлишди. Германияда йўллардан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари билан ҳам яқиндан танишдилар. Уларни эса олдинда Мюнхен шаҳрида БАУМА — 2004 халқаро кўргазмасида бўлишдек ажаб имконият кутиб турар эди.

Қиёс, таҳлил, натижа

Бу кўргазма 1954 йилдан буюн ўтказилади. Демак, ярим асрдан бери ҳар уч йилда Мюнхенга жаҳоннинг манаман деган қурилиш машиналари ва бунёдкорлик материаллари ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар тайёрлаётган фирма ва компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш этиб келади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон биринчи марта ушбу кўргазмада расмий делегация сифатида иштирок этди ва унинг байроғи доимий равишда ҳилпират турди. БАУМА-2004 да 157 мамлакатдан вакиллар қатнашди, 60 дан ортқ давлатдан келган компаниялар ўз техника-механизмларини намойиш этди. Технологик янгиликлар, кечганича мўъжиза бўлиб кўринган голяриларни муваффақиятли ечим ва амалий ифодаси, бир ихтисосга доир ўнлаб машиналар ва асбоб-ускуналарнинг тақлиф қилиниши жиҳатдан ҳам у жуда кенг қамлабди. Айниқса, бизни мамлакатимиз корхоналари билан ҳамкорлик қилиб келаётган компанияларнинг муваффақиятлари мамнун қилди.

— Бизнинг техника, машина-механизмларимиз ўн бир гектардан ортқ майдонни эгаллади, — дейди фахр ва гурур билан «Липхер экспор» компанияси президенти Микаэл Михалис. — Бу ўтган галги кўргазмага нисбатан 20 фоиз ортқ бўлиб, уларни юз миңдан ортқ киши келиб кўрди. Техникаларимизни сотиб олишга бўлган қизиқиш, шартномалар имзолаш учун қилинаётган так-

лифлар ҳам жуда кўпки, бу тез орада ҳозиргига қараганда ишлаб чиқаришни 20-25 фоизга ошириш имконини беради. Биласиз, биз ўқитган мутахассисларга берилган шартномалар дунёнинг истаган мамлакатидеги қурилиш машина-механизмларини бошқариш имкониятини беради. Ўтган йили биз шундай ҳужжатни ўзбекистонлик 45 нафар йўлчиға ҳам берганмиз.

«Липхер» Мюнхендаги кўргазмада осмонлар кранлар, ўта қулай техникалар билан бир қатарда 400 тонна юкни қўтар оладиган дунёдаги энг катта автомобилни ҳам намойиш қилди. Уни янги асринг бу соҳадаги навбатдаги мўъжизаси сифатида баҳолашмоқда.

бир қатор мамлакатларда жойлашган «Метсо минераль» компаниясидир.

— Биз ҳам мазкур кўргазмада янги ихтиролар ва технологияларимизни намойиш қилдик, — дейди компаниянинг МДХдаги худудий директори Карл Монтан. — Тошни майдалаш-саралаш, йўл қурилиш техникалари ҳам борки, бу борада биз дунёда етакчи компания ҳисобланамиз. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз йил сайин ривожланиб борапти. Улар орасида «Узавтойл» давлат-акциядорлик компанияси, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, «Зарафшон Ньюмонт» цемент саноати энг йириклари саналади. Ҳозирги пайтда Мурун-товда киймати 2,5 миллион дол-

йўл Афғонистон орқали Эрон худудига туташ денгиз портларига ва Омон кўрғазига чиқишди. Шу боис ҳам Ўзбекистон бу гоёнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди ва у халқаро трансферон йўлаги сифатида тарих саҳифасидан жой олди. Президент Ислам Каримовнинг 2003 йилнинг 17-18 июни кунлари Эронга ташир йўли давомида ушбу давлат раҳбари билан ўзаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Унда Афғонистон ўтиш ҳуқуқини раиси Хамид Карзай ҳам иштирок этди. Мухокама натижаси сифатида халқаро трансферон йўлагини барпо этиш юзасидан уч томонлама битим имзоланди.



Ташкентда мазкур Битимни амалга ошириш борасидаги экспортлар гуруҳларининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ўз автомобиль ва юқларнинг Бандар Аббос портига етиб бориш масофасини минг километрга қисқартирди. Чоёбахор портида юқларни қабул қилиш ва транзит имкониятларини кенгайтириш мақсадида 8 та лойиҳа амалга ошириладики, улар ҳам уч давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжат бандларининг бажарилишига хизмат қилади.

— Мамлакатларимиз раҳбарлари томонидан имзоланган Битимдан уч давлат ҳам бирдай манфаатдор, — дейди Афғонистон ҳуқуқмати халқ манфаатлари вазири-

Фақат давлат тилида

Украина Телевидение ва радиошиттиришлар масалалари бўйича миллий кенгашининг мамлакатда рус тилида кўрсатувлар олиб боришни таққиқлаш тўғрисидаги қарори кечадан бошлаб қучга кирди. Миллий кенгаш матбуот котиби Николай Гриценконинг айтишича, юз фоиз давлат тилида кўрсатувлар ва радиошиттиришлар олиб бориш ҳақидаги қарор энг аввало, янги лицензия олган миллий ва минтақалараро аҳамиятта эга телерадиокомпанияларга тааллуқлидир.

Шартномага қўшилмоқчи

Ливия етакчиси Муаамар Қаззофий сўнгги пайтларда мамлакатни жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши борасида фаол ишламоқда. Мамлакатнинг Жапа ахборот агентлигининг маълум қилишича, расмий Триполи Қўноқларни таққиқлаш бўйича халқаро шартномани имзоланиш режалаштирмоқда. Қаззофийнинг қайд этишича, мамлакат инсон ҳуқуқларини химоя қилиш борасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаши лозим.

Халқаро амнистия ташкилотининг ўтган йил яқунлари бўйича маърузасида айтилишича, Ливия ҳуқуқати амалиётда қўноқлардан кенг фойдаланаётди.

Қўшинлар олиб чиқилади

Испаниянинг янги Бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеро мамлакат қўшинлари Ироқдан олиб чиқи-лишини маълум қилди. Маълумотларга кўра, испаниялик ҳарбийлар 15 кун ичида ватанига қайтишадди. Бош вазир шу муносабат билан чиқишда Испания ҳуқуқати Ироқнинг тикланиши ва мамлакатда демократия шаклланиши қўлаб-қувватланишини билдирди.



Айни пайтда Ироқда 1300 нафар испаниялик аскарлар бор.

Марадона шифохонада

Жаҳон ва Аргентина футболнинг ёрқин юлдузи Диего Марадона юрак хасталиги туфайли Буэнос-Айрес шифохоналаридан бирига ётқизиладди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, футболчининг аҳоли анча оғир. Шифохона ходимлари Марадонанинг соғлиги ҳақида бирон-бир маълумот беришдан бош тортишган.

«Time»нинг обрўйли рўйхати

Журнал бу сафар сайёрада энг катта обрўга эга сийсатчилар рўйхатини эълон қилди. Унинг дастлабки учлигидан АКШнинг амалдаги президенти Жорж Буш, мамлакатнинг собиқ президенти Билл Клинтон ва унинг рафиқаси Хиллари Клинтонлар жой олган.

Бугунги кунда жаҳон сийсатига катта таъсир ўтказётганлар орасида АКШ президенти-нинг Миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс, БМТ Бош котиби Кофи Аннан, Калифорния губернатори Арнольд Шварценеггер ҳамда Каттарнинг Al-Jazeera телеканали ташкилотчилари бор.

Қидирув ишлари тўхтатилди

Қирғизистон Фавқулодда вазиятлар вазирилик қутқарувчилари мамлакат жанубида юз берган тошқинлар туфайли ер кўчиши пайтида бедарак йўқолган беш нафар болани қидириш ишларини тўхтатди.

Вазирлик матбуот котиби Эмиль Акматовнинг маълумотига қараганда, қутқарув ишлари болаларни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги сабабли тўхтатилди. Чунки худудда тахминан, бир миллион кубометр ер қўчган. Эслатиб ўтамиз: ўтган шанба кун эрталаб Ўш вилоятининг Қорасув туманида тоғдан ер кўчиши оқибатида мактабга кетаётган беш бола кўчи тағида қолганди. Ходисадан бир неча соат кейин бошланган қидирув-қутқарув ишлари натижа бермади.

Кутилмаган ғалаба

Словакияда бўлиб ўтган президент сайловларида илгари кам овоз олиши тахмин қилинган номзод — Иван Гашпарович кутилмаган ғалаба қозondi. У рақиби, мамлакатнинг собиқ Бош вазири Владимир Мечиардан бир неча ўн минг овоз кўп олди.



Шарҳловчиларнинг таъкидлашича, сайловнинг бундай натижа билан тугашини ҳеч ким кутмаганди. Иван Гашпарович узоқ вақт мобайнида Владимир Мечиарнинг ўнг қўли ҳисобланарди. Гашпарович Мечиар ташкил этган «Словакия демократия учун» ҳаракати партиясига аъзо эди. Аммо у Мечиарнинг бошқарув услубларидан норозилиги туфайли 2002 йилда партияни тарк этганди.

Хулоса қилиш шунга айтиш мумкинки, бугун дунёда содир этилаётган ҳеч бир жиноят, низоли масалалар ҳамжамият эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Сайрор БОЗОРОВ, ТДЮЙ талабаси.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

«Виртген» гуруҳининг машина-механизмлари ҳам 5,5 гектар жойни банд қилиб, ўз тарихида рекорд кўрсаткичга эришди. Минглаб кишилар гуруҳ фирмалари томонидан тайёрланган техникаларни ўта синчковлик билан қураётганлигини кузатиш мумкин эди. Табиийки, бу қизиқш замирида кўнгилга ёққанни харид қилишга бўлган иштиёқ ётади. Техникаларнинг оқори сифати ва самарадорлиги эса, бундай иштиёқни тезда амалга оширишга ундаши ҳам турган гап. Чунки «Виртген»нинг асфальт ва цемент-бетон ётқизувчи машиналари жаҳонда ҳозирги пайтда тенгсиз ҳисобланади. Шунингдек, дунёдаги қурилиш техникалари ва улар учун зарур бўлган материалларнинг 20 фоиздан ортқи олмониялик машинасозлар зиммасига қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмади.

Ўзбекистонлик йўлсозлар бошқа мамлакатларнинг техникалари билан ҳам яқиндан танишишди, ўзаро ҳамкорлик йўналишларини келишиб олишди. Ана шулардан бири бош қароргоҳи Финляндияда, ишлаб чиқариш корхоналари

лардан иборат бўлган тош майдалагичлари қуриш бўйича лойиҳани амалга ошираётимиз.

Хоҳ кўргазма, хоҳ савдо-сотқ ёки ўзаро ҳамкорлик бўлсин, барибир унда ҳар бир томон ўз манфаатини қўлайди, ўз маҳсулотларига қизиқиш уйғотишга, ўз ишлаб чиқариш ва қурилиш имкониятларини таништиришга интилади. БАУМА — 2004 доирасида ўтказилган тақдимот маросимлари ҳам худди шу мақсадга хизмат қилади. Ўзбекистонликларнинг ана шундай тадбири самимий вазиётда ўтди. Мамлакатимиз йўл қурилиши ва бу соҳа учун материаллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тармоқлар вакиллари юртимизнинг Буюк Ипак йўлини қайтадан тиклаш, ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда туган катта мавқеа, кейинги йилларда янги магистраллар барпо этиш, илгор технологияларни жорий қилиш бўйича олиб бораётган ишлари ҳусусида атрофчиқа сўзлаб беришди.

Муштарак мақсад сари

Маълумки, мамлакатимиз учун денгизга олиб чиқувчи энг яқин

темир йўлларини қуриб бўлган ва ундан ҳозирнинг ўзида тулақони фойдаланиш мумкин. Эрон ва Афғонистонда уч томонлама битимнинг ихроси қандай?

— Кейинги пайтда Эрон томонидан Битимни ижро этиш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди, — дейди Эрон Ислам Республикаси йўл ва транспорт вазири ўринбосари Аҳмад Содиқ Буноб. — Жумладан, Афғонистон худудиданги транзит йўлининг бир қисми бўлган Дугорун-Хирот йўналишини қурувчиларимиз икки ойдан кейин ниҳоясига етказишди. Миллақ кўпригини барпо этиш ишлари ҳам тез орада тамомланади. Шу билан бирга, Миллақ-Зарағат автойўлини таъмирлаш ишлари ҳам жадал давом этапти.

Эрон худудидан ҳам мазкур Битим ижросини таъминлашга қаратилган 15 лойиҳа юзасидан ишлари олиб борилапти. Бу лойиҳалар Ўзбекистоннинг Чоёбахор, Бандар Аббос, Шахид Бехишлик ва Бандар Аббос портларига яқин ва раво магистраллар орқали чиқиш учун имконият яратиб беради. Бойлик-Машаҳд темир йўли қурилиши ва унинг Афғонистоннинг Сангон-Хирот темир йўлига туташуви эса,

нинг ўринбосари Муҳаммад Али Ёқуб. — Чунки ўзаро савдо-сотқ алоқалари кенгайди, транзит юқларининг ўтиши учун ўта қулай шартнолар туғилди. Афғонистонда асосий автомобиль йўллари беш минг километр бўлса, ҳозир унинг уч минг қачириммида амалий ишлар олиб борилапти. Кобул-Қандаҳор йўли яқинда фойдаланишга топширилди. Хиротдан Қандаҳоргача бўлган магистрални қуриш ишлари яқинда бошланади. Кобул — Пулхумри — Андохой йўналишини барпо этиш юзасидан тендерлар ўтказилди ва голиб чиққан компаниялар ўз лойиҳаларини бажаришга ҳозирлик қўришапти. Яна бир қатор лойиҳалар устида иш кетмоқда.

Уч томонлама Битимни ижро этиш бўйича ишлар қўлами катта. Шу боис Тошкентдаги Йиғилишда экспертлар гуруҳи мазкур ҳужжат ихросини тартибга солиш учун Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишни мақсадга мувофиқ, деб топди ва унинг Низоми келишиб олди. Бу ишларнинг янада амалийлик касб этаётганлигидан далолатдир.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ.

Пентагон: янги ҳарбий концепция

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Пентагон олдига яқин орада янги ҳарбий концепцияга ўтиш масаласини қўйди.

Washington ProFileнинг маълумоти қараганда, янги концепция «10-30-30» сифатида шаклланиши лозим.

Рақамларнинг маъноси эса қуйидагиларни англатади: 10 рақами АҚШ қуролли қучлари буйруқ олинганидан сўнг ўн кун ичида ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бориб, ҳарбий ҳаракатларни бошлаши лозим.

30 рақами мамлакат армияси бир ой ичида душман қўшинларини тор-мор этиб, қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум этиши зарур. Яна бир 30 рақами шунча кун ичида қўшинлар қайта шаклланиб, янги ҳарбий вазифани бажариш ва дунёнинг ҳар қандай нуқтасига етиб боришга шайлиги назарда тутилган.

Айни пайтда янги концепция мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

ХАМАС етакчиси дафн этилди

Фаластинда ўтган шанба кун исроиллик ҳарбийлар томонидан ўлдирилган ХАМАС етакчиси Абдулазиз Рантсийини дафн этиш маросими бўлиб ўтди. Унда бир неча ўн минглаб фаластинликлар қатнашди.


Шунингдек, ХАМАС гуруҳи ташкилотга янги раҳбар сайланганини маълум қилди. Аммо ташкилот раҳбарияти хавфсизлик нуқтаи назаридан етакчининг исмини айтишдан бош тортиди.

Дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг ўз суд тизими бор. Улар ўша давлатларда қабул қилинган қонунлар асосида фаолият юритади, фақат ўша юртдаги низола, баҳслар, жиноятларни қўриб чиқади. Лекин жаҳондаги ўзаро ишлар, тараққиёт, глобаллашув туфайли чегара, худуд деган тушунчалар нисбийлашиб бормоқда. Халқаро миқёсда турли низола, баҳслар келиб чиқмоқда.

Хўш, бундай баҳсу низола-ри қўриб чиқадиган биронта халқаро ҳуқуқий ташкилот борми? Ҳа, бор. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг баҳсларни ҳал этадиган асосий органи — Халқаро суд ҳисобланади. Бу суд 1946 йилда ташкил этилган. Орадан ўтган 55 йилдан кўпроқ вақт мобайнида унга дунё мамлакатларидан 75 та, халқаро ташкилотлардан 22 та мурожаат келиб тушди. Унлаб ишлар суд томонидан қўриб чиқилди. Масалан, 1971 йили БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши судга Жанубий Африка Республикаси аскарларининг Намбия худудига узоқ муддат турши халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғри келиш-келмалиги масаласида мурожаат қилди. Суд вазиятни ўрганиб, Намбияга мустақилликка

Чегара билмайдиган суд

эришиши учун шароит яратиб бериш тўғрисида ахрим чиқарди. Ахримда ЖАР ўз аскарларини бу юртдан



олиб чиқиб кетиши лозимлиги таъкидланган эди.

1980 йилда АҚШ ҳуқуқати ўзининг Техрондаги элчионаси босиб олингани ва дипломатлари гаровга ушлангани тўғрисида судга мурожаат қилди. Халқаро суд Эрон ҳуқуқати гаровга олинганларни озод этиши ва бу иш учун тоовон тўлаши кераклиги ҳақида қарор чиқарди. Бирок тоовон пули миқдорини белгилаб улгурмасдан икки давлат ўртасида сулҳ тузилади. Натижада суд ўз қарорини бекор қилади.

Яна бир мисол. Ўтган асрининг охирида Венгрия ва Словакия Республикаси Дунай дарёсига қуриладиган тўғон масаласида баҳслашиб қолдилар. Ишни ўрганиб чиққан суд эса ҳар икки томоннинг ҳам ўз мажбуриятларини бузганликда айблаб, 1997 йили иншоот тўғрисида тузилган шартномадан бажаришга қачиради.

Умуман, ўтган йиллар давомида Халқаро судга қилинган биронта мурожаат эътиборсиз қолдирилмай, масала у ёки бу томон фойдасига қонуний ҳал этилган. Лекин генотицид, инсониятга қарши жиноятларни қўриб чиқадиган халқаро ҳуқуқий ташкилот тузиш масаласи анча пайт ҳал этилмади келинди. Вахоланки, БМТ 1948 йилдаёқ геноцид жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги конвенцияни қўриб чиққан эди. Ниҳоят 1998 йилда Римда бўлиб ўтган вакиллар конференциясида геноцид, инсониятга қарши жи-

ноятлар ва ҳарбий жиноятлар содир этган шахслар устидан текширишлар олиб бориш ва уларни жавобгарликка тортиш ваколати берилган Халқаро жинойий суд ташкил этиш статуси маъқулланди.

Халқаро жинойий суд таркибига иштирок этувчи давлатлар ассамблеяси томонидан сайланган 18 судья кирди. Улар 9 йилдан ортқ бўлмаган муддатга сайланади. Суд таркибига бир мамлакатдан икки судья кириши мумкин эмас. Суд раиси судьялар, прокурор эса ассамблея томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Суд Гаагада жойлашган.

Халқаро суд ўзининг қиска муддатли тарихи давомида бир неча жинойий ишларни қўриб чиқишга улгурди. Бунга Югославиянинг собиқ президенти С. Милошевич устидан давом этаётган суд жараянини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиш шунга айтиш мумкинки, бугун дунёда содир этилаётган ҳеч бир жиноят, низоли масалалар ҳамжамият эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Сайрор БОЗОРОВ, ТДЮЙ талабаси.

ESENYA ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
БАССЕЙНЛАР;
АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибуттери ва етказиб берувчимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жихозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

ESENYA Bau- und Handelsinvestition GmbH
TRAUNROT - DEUTSCHLAND
КРУГОВОЙ ОБЗОР-М
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

ТОШКЕНТ-МОСКВА
Қулай «Боинг-767» да сешанба, пайшанба ва шанба кунлари.
Германия, Англия ва Франция рейсларига 5 фоиз чегирма.
Пенсионерлар, талабалар ва олдидан сотиб олинган чипталарга чегирмалар.
Ёзда янги рейслар:
Эдинбург, Бухоро, Анадирь, Магадан.
Тел: 133-27-45, 133-76-38, 133-99-35
www.transaero.uz
ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯСИ

Санъатга ошuftалик

Пойтахтликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари "Real Cinema" кинотеатрида беш кун давомида жаҳонга машҳур кинофильмларни томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар. Айниқса, машҳур кинорежиссёр Федерико Феллини, Пьер Паоло Пазолини, Жузеппе Торнаторе яратган фильмлар томошабинларга гоят манзур бўлди.

Италиянинг Узебекистондаги элчихонаси тақдим этган ва жаҳон кино санъати дурдоналари ҳисобланмиш "Кабирья окшомлари", "Матфей инжили", "Малина" фильмларининг намойиш этилиши икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада муҳташамлашига хизмат қилиши, шубҳасиз.

М. АХМЕДОВА.

Ёш хунармандлар беллашуви

Бухоро хунармандчилиги ўзининг узок йиллик тарихига эга. Шаҳардаги ўқувчилар саройида ёш усталарнинг кўрик-танлови ўтказилди. Танлов натижаларига кўра ёш хунармандлиги йўналиши бўйича Олотадаги 22-мактаб ўқувчиси Бобур Фаниев биринчи ўринни эгаллади. Қуллолар баҳсида ғолиблик гиждувонлик Файрат Жўраевага насиб қилган бўлса, Бухоро туманидан келган Нозима Нейматова энг яхши каштани-зардуз деб топилди.


Мис ўймакорлиги, гилам тўкиш йўналиши бўйича эса бухоролик Умид Камолов ва шофирконлик Умид Хикमतваларнинг дастлари баланд келди.

А. ҚУДРАТОВ, "Туркистон-пресс".

Боғ барпо этилмоқда

Жиззах туманидаги Шўрбел қишлоғида ажойиб ишга қўл урилди. "Жиззахизма" масъулияти чекланган жамият аъзолари 7,5 гектар ташландик ерда "Меҳр-муруват боғи"ни яратиш ташаббуси билан чиқдилар. Ҳозиргача 5 гектар ер ўзлаштирилиб, 3 минг туپ мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, боғ ҳудудидаги "Қирқчилтон ота" зиёратгоҳи ҳам ободонлаштирилмоқда.

Б. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



Навоийнинг тарихий обидалари

Буюк Ипак йўли Навоий вилоятининг қарийб барча туманларидан ўтган бўлиб, бу ерда кўплаб тарихий обидаларга дуч келишингиз мумкин.

Кармана тумани ҳудудидан ўтвчи «Бухоро — Тошкент» йўли устидаги Сардоба қудуғидан яқин-яқингача қаровон тўхтаб, чанқоғини қондириб яна йўлида давом этган. Нуротадаги Чашма зиёратгоҳи эса ўтган йили туман ҳокимлиги ташаббуси билан таъмирлангандан сўнг янада кўркамлашди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Болалар спорти

«Динамо» битта, мактаб кўп

Термизлик тадбиркор Комил Ҳасанов Олтинсой тумани мактабларига 500 минг сўмликка яқин спорт анжомларини ҳада қилди

Ҳасановни излаб ишонасига бордим. Тополмадим. Қумқўрғон туманига кетган, дейишди. Яна шу — қишлоқ мактабларига спорт анжомларини улашгани.

Ҳасановнинг касб-корини сўрасангиз — дўкон мудири. Термиз шаҳридаги спорт анжомлари билан савдо-сотиқ қилишга ихтисослаштирилган кичкина магазини бошқаради. Болалигидан спортга шинаванда. Ёши эллика яқинлашган бўлса-да, ҳалиям спортни болаларча завқу шавқ билан яхши кўради.

Ҳасанов «Оладиган фойдамининг ярмини болалар спортини ривожлантиришга йўналтирамиз», деб аҳд қилган эди. Холис ниятнинг ҳосиятини кўринг: ўтган йили дўкон жамоаси вилоятнинг 16 та мактабига спорт моллари берганди. Бу йил «Динамо»чилар (Ҳасановнинг дўкони «Динамо» деб аталади) Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйига 300 минг сўмлик анжом тортиқ қилди. Қишлоқ мактабларига 2 миллион сўмликдан зиёд ана шундай совғаларни элтиб берди.

— Бу йил эллика мактабга шу тартибда ҳомийлик ёрдами кўрсатамиз, — дейди дўкон ишчиларидан бири Зокир Ашуров.

Айтганча, Ҳасанов мактабларга борганида, «Мана, копток, мана, полвонлик жекали (либоси), қолгани ўзларининг ишларингиз» деб қайтиб кетавермайди. Шароитни ўрганади. Жисмоний тарбия муаллимининг ишлаш усулига, мусобақаларни ташкил қилишига қизиқади.

Мана, бир мисол: «Динамо»чилар бу

йил ўғил болалар ўртасида футбол ва қиз болалар ўртасида волейбол бўйича мактаблараро мусобақа ташкил этиб, совринлар таъсис этди. Мусобақа шартларига кўра, ўз тумани миқёсида биринчилиكنи қўлга киритган командалар 150 минг сўмлик спорт анжомлари билан сийланадилар ва ўша ўйинда ўйналган тўп (копток) ҳам ғолибга қолдирилади.

Вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган жамоага 250 минг, иккинчи ўрин учун 150 минг, учинчи ўринни эгаллаганга 100 минг сўмлик совға берилди. Совғанинг ҳам болалар энг яхши кўрадиганиси — ранг-баранг спорт анжомлари.

Ҳасановнинг ҳотамтойлигига тан бериб, шу сатрларни ёзаётганимизда яна бир гапни ўйлаб қоламиз: «Динамо» дўкони вилоятда — битта. Мактаблар бўлса — 800 тадан кўпроқ. Уларда таълим олаётган 450 мингга яқин ўқувчининг ҳар бирининг кўнглида, спорт анжомларию шуғулланишга яхши шарт-шароитлар бўлса, спортнинг бирон тури бўйича мен чемпион бўлардим, деган эзгу орзу бор.

«Динамо» битта, дедик. Лекин дўкон кўп. Тижорату ишлаб чиқаришдан ҳисоб-китобларини обод қилиб олган уйдабуронлар ҳам оз эмас. Шоядди, улар ҳам Ҳасановдан ибрат олиб, эзгу ишларимизга бош қўша. Нуфуз, довр, шон-шараф, ахир энгил юк эмас. Бу юкни кўплашиб ердан узмоқ, қафларда кўтармоқ мумкин.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2004 йил — Меҳр ва муруват йили

Баҳрихон аянинг нуқуслик синглиси

Бир кўшиқда куйланганидек, кимдир лолани хуш кўрса, кимдир атиргулга, кимдир райҳонга ошuftа

Нуқуслик тадбиркор аёл Роза Урозобоева эса икки нарсани жонидан ортиқ кўради. Биринчиси — бола ҳиди. Иккинчиси — боғларнинг меваси гарқ пишган паллани. Доимо болалар билан бирга юради, уларни оғушига олади, сочларини худлайди, юзларини сийлайди. Улар кулса кўшилиб қаҳ-қаҳ отади. Шундай кезлар худди гўдак мисоли яшаб, очилиб кетади. Гарқ пишган мевазорга кирганида ҳам қувонади, ҳам хайл суради. Инсон умрини мевали дарахтга ўрнатади.

Розанинг турмуш йўли силлик, равон кечгани йўқ. Қийинчиликлар кўп бўлди. Ҳадеганда фарзандли бўлавермади. Тақдир уни Авазбой Машарипов деган ажойиб инсон билан учраштирди. Авазбой оға ҳам бевақт аёлидан айрилиб, жўжа-бирдай беш нафар фарзанд билан танҳо қолган экан. Роза у киши билан биринчи бор учрашгандаёқ

оганинг яхши инсон эканлигини билди. Гапни чувалаштириб юрмасдан тақлифига рози бўлди-да, энг аввало, беш фарзанднинг барчасини бирма-бир бағрига босиб, юзларидан қайноқ-қайноқ ўлиб кўришди. Болалар мунгайиб туришган экан, оналарининг иссиқ бағрига қайта киргандек бўлишди. Тез орада эл бўлиб кетишди. Энди улар Розанинг ишдан қайтишини кутади, кириб келиши билан оғушига отилади, хар бири қалдирғочнинг полонларидек вижирлаб, ўз ўқишлари, қизиқишларини айтиб берадиган бўлишди. Авазбойнинг совганин ўчоғи қайта гуриллаб ёна бошлади. Тўй-томошалар бошланди. Қорақалпоқчасига айтганда, ўғилнинг бир қисмини унга, қизни қияга кўндиришди. Неваралар туғилди.

Розанинг тадбиркорлик билан топган-тутгани яхши яшашлари учун етарли. Шундай кезде Роза Урозобоева тошкентлик Баҳрихон ая Шомамжудованинг уруш чоғи амалга оширган

улуғ ишидан ибрат олди. Авазбой оға билан бамаслаҳат туғруқхонадан меҳр ва муруватдан бебаҳра оналари ташлаб кетган 5 нафар гўдакни бағрига олишди. Уларнинг олди ҳозир бахтга тўлиқ хонадонда чоп-қиллаб юришган бўлса, энг кичиги бир ярим ёшда. Аслида чуқур ўйлаб кўрган инсон Роза опанинг бахтини англамаслиги мумкин эмас. Ахир жажжи гўдак оламга келди-ю, кўзини очиб Роза опани кўрди, унинг аллаларини эшитди. Демак, унинг учун ҳаёт Роза опа ҳамда Авазбой оғанинг уйдан бошланди, бу уйнинг учун ҳақиқий ота уйига, она уйига айланди.

— Мен учун гўдак хидидан ардоқли ис йўқ. — дейди Роза опа Урозобоева. — Болаларимни бағримга боссам, теримга сиймай кетаман. Улар билан йиғирма тўрт соат андармон бўлиб, ўзим машина рулида бировини мактабга, бировини боғчага, бировини коллежга элтиб, кечқурун олиб ке-

ламан. Эрта тонгдан уйимизда ўзига хос байрам бошланади. «Болали уй — бозор» деганлари шу экан. Бола бор уйга ризқ-рўз, насиба келаверар экан. Аллоҳга шуқур, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ.

— Президентимизнинг Қорақалпоғистонга бераётган эътибори ҳаммаимизни қувонтирмоқда, — дейди опа гапига давом этиб. — Қурокчилик йилларида биз озорқ қийналдик. Уша йиллари бир танишим кўшни давлатга кўчиб кетган эди. Яқинда қайтиб келди. Сурашмасидан олдин «Роза-хон!» У ёқда тул топиш мумкин экан. Меҳр топиб бўлмас экан. Қорақалпоғистоннинг тиканли янтоғини минг бор кўчиб ўлишга розиман!» деб кўзларига ёш олди.

Роза опа ва Авазбой оғани маҳалласидагилар жуда ҳурмат қилишади. Чунки бу икки инсон уйларидан навиҳол боғ яратишди. Бу боғни меҳр ва муруват, оқибат — муҳаббат боғи деб аташди, ўринли бўлади!

Пердугул ХўЖАМУРАТОВА, журналист.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хурматли юртдошлар!

«Ўзуйжойжамфармабанк»

баҳор тўхфаси сифатида сизга йиллик 38 фоиз устама тўланадиган

янги «ИМКОН» омонатини тақлиф этади.

Омонат 3 ой муддатга қабул қилинади.

Сиз ўз маблағларингизни 2004 йил 1 майгача «Ўзуйжойжамфармабанк»нинг барча жамғарма кассаларида ушбу омонатга қўйишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 132-13-18, 132-07-94.

«Бухороё» ОАЖ Кузатув кенашини шунинг маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2004 йил 15 апрелда чоп этилган акциядорлар йиғилиши ўтказилиши қолдирганини ҳақиқати эълон бекор қилинади.

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» сотилади

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги оғбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини тақлиф этади.

Телефонлар: 169-47-62, 169-59-30

Янгиликдан хабарингиз борми?

МИНЕРАЛ СУВ, ЛИМОНАД, АЛКОГОЛСИЗ ПИВО МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРИ ДИКҚАТИГА!

«Torsuna-Industrial» хорижий корхонаси

Италия ускуналарида 6,00 ва 6,75 миллиметр балангликдаги рангли логотипли кронентикинларга буюртма қабул қилади.

Бундай кронентикинларга корхонангиз белгиси ёки зарур сўзларни рангли логотипда кўрсатиш имконияти мавжуд. Биз ишлаб чиқараётган барча кронентикинлар жаҳон андозалари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти идораси талабларига тўла мос келади. Махсулот SSUZ 01.129.232390 рақами билан реестр рўйхатидан ўтказилди, унга 2003 йил 9 декабрда 0131410-рақамли сертификат берилган.

Қалбаки ва сохта махсулотлардан эҳтиёт бўлинг! Сертификатланмаган хомаш ва ишлов берилмаган тунуқдан сифатсиз эчкилаш прокладжаси қўйилиб, қўлбола усулда тайёрланган кронентикинларни қўллаш билан сиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиологик талабларини қўпол равишда бузган ва ўз махсулотингиз сифатини шубҳа остида қолдирган бўласиз.

Бизнинг манзили: Тошкент шаҳри, «Каторгол» кўчаси, 60-уй. Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 173-83-43, 173-93-12.

Винлад Сгелаем жизнь спокойнее!

ОБОРУДОВАНИЕ СИСТЕМ ТЕЛЕНАБЛЮДЕНИЯ

Panasonic SONY

PELCO J&S

Системы охраны периметра, теленаблюдение, контроль доступа, охранно-пожарное оборудование, аудио- и видеомофоны, UPS, металлодетекторы и др. оборудование.

Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13, тел./факс (998 712) 120-66-01. e-mail: vinlad@sarkor.uz www.vinlad.com

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Республика Бош прокуратураси ва Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси Қуйи Чирчиқ тумани прокурори Абдулақул Ҳамраева волидан муҳтарамаси **ҚУРБОНГУЛ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон телерадиоконаниси «Дўстлик» радиоканали жамоаси «Тошкент» студияси муҳарриратининг гуруҳ раҳбари Баҳолир Аҳмедовга волидаси **НАИМА** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик ихзор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси Давлат ва ҳуқуқ асослари кафедраси мудираси Дилором Ражабовага акиси **Мирмуҳсин РАЖАБОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор қилади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси Ойниса Қурбонбековага онаси **БАҲРИНИСО** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор қилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма 1 — 572, 2908 нуқадга босилади, ҳажми — 2 рақоб, Офсет усулида босилади. Қозоқ бичими А-2. Газета IBM компьютерда терияди ва оператор томонидан саҳифаланади. Таҳриратга ҳазон 5 қороздан ишда материаллар қабул қилинади. [П]—Тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — М. Жонихонов. Мусоҳаҳ — Ш. Машраббоев.